

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 4 ” январь № ПҚ-4091 “ ” 20 г.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот
қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармасининг дастурлари бўйича
кадрларни ўқитишни ташкил этишни янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Хориждаги етакчи университетлар, илмий марказлар ва бошқа ташкилотларда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий соҳа, давлат бошқаруви ва иқтисодиётнинг устувор тармоқларининг юқори малакали мутахассисларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2019 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси дастурларига мувофиқ кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш учун номзодларни танлов асосида саралаб олиш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш учун номзодларни танлов асосида саралаб олиш вазирликлар ва идораларнинг мақсадли буюртмалари асосида Жамғарма маблағлари (кейинги ўринларда – Жамғарма стипендиялари) ҳисобидан қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

таълим;

фан ва илмий тадқиқотлар;

соғлиқни сақлаш;

давлат бошқаруви;

иқтисодиётнинг истиқболли тармоқлари.

3. 2019-2021 йилларда Жамғарма стипендиялари ҳисобидан кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш дастурлари бўйича ўқишга юбориладиган кадрларнинг прогноз миқдори 3-иловага мувофиқ 4 000 ўриндан кам бўлмаган миқдорда, Жамғарма стипендияларига ажратилган умумий ўринларнинг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорини магистратура ва докторантурада ўқиш учун ажратилиши маъқуллансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) вазирликлар ва идоралар ҳар йили 1 августга қадар:

Жамғарма дастурлари бўйича хориждаги етакчи университетлар, илмий марказлар ва бошқа ташкилотларда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишга буюртмалар портфелини шакллантиради;

кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишнинг устувор йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича таклифларни Жамғармага киритади, шунингдек, энг яхши тайёрланган номзодларни Жамғарманинг танловида иштирок этишлари учун тавсия қилади;

б) Жамғарманинг Васийлик кенгаши:

Жамғарма стипендияларини олиш учун йўналишлар бўйича номзодларни танлов асосида саралаб олиш юзасидан кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишнинг устувор мутахассисликларини тасдиқлайди;

номзодларни танлов асосида саралаб олишнинг тегишли даражаси ва сифатини таъминлаш мақсадида танлов йўналишлари бўйича ажратилган ўринларни қайта тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилади.

5. Жамғарманинг Васийлик Кенгашига:

кўзда тутилган лимитлар доирасида Жамғарма стипендиялари йўналишлари бўйича ўрнатилган тартибда қўшимча танловларни эълон қилишга;

алоҳида вазирлик ва идоралар ходимлари касбий фаолиятининг зарурати ҳамда ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда, Жамғарма стипендияларига номзодларни танлов асосида саралаб олиш йўналишларига ўзгартиришлар киритишга;

халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингига кўра жаҳондаги энг яхши 500 талик ёки танланган фан йўналиши бўйича энг яхши 200 талик рўйхатига кирган хорижий таълим муассасалари ва илмий марказларнинг магистратураси ёки докторантурасига мустақил тарзда кирган ва таълим олаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига Жамғарма стипендияларини ажратиш бўйича қарорлар қабул қилишга;

Жамғарма харажатлари параметрларида хорижий ҳамда маҳаллий таълим ва илмий муассасалари билан биргаликда ташкил этиладиган таълим ва тадқиқот лойиҳаларини, шу жумладан Жамғарма стипендияларига номзодларни хорижий тилларга ўқитиш дастурларини молиялаштириш учун зарур маблағларни кўзда тутишга рухсат берилсин.

6. Вазирлик ва идоралар икки ҳафта муддатда 2019 йил учун ажратилган ўринлардан келиб чиқиб, хорижда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишнинг устувор йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича асосланган таклифларни Жамғармага тақдим этсин.

Жамғарма Васийлик кенгаши икки ой муддатда Бир номзодга ажратиладиган Жамғарма стипендиясининг чегаравий ўлчами ва молиялаштириш тартибини белгилаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Жамғарма, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 мартига қадар Жамғарма стипендияларини олишга номзодларни, айниқса республика ҳудудларида, хорижий тилларга ўқитишнинг махсус дастурларини ишлаб чиқсин;

2019 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Жамғарма стипендияларини олишга номзодларни хорижий тилларга (инглиз, немис, француз ва бошқалар) ўқитиш махсус дастурлари асосида мақсадли курсларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги ПФ–5545-сон Фармонида кўзда тутилган манбалар билан бир қаторда Жамғарманинг хорижда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш қисми бўйича харажатларини молиялаштиришнинг қўшимча манбаси этиб белгилансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси:

2019 йилда Жамғарма дастурлари бўйича хорижда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишни молиялаштириш учун 3 млн АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратсин;

Жамғарманинг асосланган талабномалари бўйича хорижда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш харажатларини молиялаштиришни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси номидан тузиладиган инвестицион битимларга инвесторларнинг инвестициялари объекти бўлган ташкилотлар учун хорижда кадрларни (мутахассисларни), шу жумладан Жамғарманинг таълим дастурлари бўйича ўқитиш йўли билан тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишни молиялаштириш бўйича мажбуриятлари киритилишини амалиётга татбиқ этсин;

Жамғарма ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Жамғарма дастурлари доирасида хорижда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларининг узоқ муддатли грант маблағларини жалб этиш масаласини ишлаб чиқсин ва натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифларни киритсин.

11. Жамғарма хорижда таълим оладиган стипендиатларнинг дастлабки миқдорини аниқлаб, кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича аниқ таклифларни бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан биргаликда Жамғармага қуйидаги масалалар юзасидан кўмак берилишини таъминласин:

халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар давлат тузилмалари ва нодавлат ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш ҳамда уларни кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилиш;

республика мутахассисларини хориждаги етакчи университетлар, илмий марказлар ва бошқа ташкилотларда тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишга юбориш;

ҳамкорлар излаш ҳамда Жамғарма стипендиатларини ўқитиш учун хорижий мамлакатлар етакчи университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимларни тузиш;

бир йилда камида икки марта Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари иштирокида Жамғарма дастурлари бўйича кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказишни ташкиллаштириш масалаларини муҳокама қилиш учун видео-селектор йиғилишини ўтказиш.

13. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Жамғармага:

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни амалга оширишга етакчи хорижий экспертлар, шу жумладан чет элда яшайдиган ватандошларни жалб этиш ҳамда уларнинг салоҳиятидан фойдаланиш масалаларини ишлаб чиқиш учун иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича талаб этиладиган мутахассисликлар рўйхатини;

илгари тегишли вазирликлар ва идораларнинг марказий аппаратлари ва таркибий бўлинмаларида ишлаган, ҳозирда чет элга чиқиб кетган юқори малакали мутахассислар рўйхатини киритсин.

14. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига Жамғарма томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

15. Жамғарма манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 4 январдаги ПҚ–4091-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2019 йилга мўлжалланган
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
I. Жамғарма стипендияларига номзодларни танлов асосида саралаб олишни ташкил этиш ва уни ўтказиш				
1.	Ижтимоий соҳа, давлат бошқаруви ва иқтисодиётнинг истиқболли тармоқлари, шу жумладан мамлакат ҳудудларининг кадрларни хорижда ўқитишга бўлган эҳтиёжини ўрганиш ва буюртмалар портфелини шакллантириш.	Чора-тадбирлар режаси	2019 йил 1 февралга қадар	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
2.	Мутахассисликларни кўрсатган ҳолда Жамғарма стипендияларини ажратиш йўналишлари бўйича квоталарни тасдиқлаш ва саралаш танловига ҳужжатлар қабули бошланганлиги тўғрисида эълон бериш.	Чора-тадбирлар комплекси	2019 йил 15 февралга қадар	Жамғарманинг Васийлик кенгаши (<i>А.Абдуҳакимов</i>)
3.	Стипендиатларни хорижий тиллар, халқаро протокол ва этикет бўйича дастлабки тайёрлашни ташкил этиш.	Идоралараро ҳужжат	2019 йил 15 февралга қадар	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Мажидов</i>), Фанлар академияси (<i>Б.Юлдашев</i>), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>А.Шадманов</i>), Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И.Абдурахмонов</i>), Давлат бошқаруви академияси (<i>Р.Қосимов</i>)

4.	Стипендияларни ажратиш йўналишлари бўйича тасдиқланган ўринларни ҳисобга олган ҳолда Жамғарма стипендияларига номзодларни танлов асосида саралаб олишни ўтказиш.	Чора-тадбирлар режаси	2019 йил февраль–март	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Мажидов</i>), Фанлар академияси (<i>Б.Юлдашев</i>), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>А.Шадманов</i>), Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И.Абдурахмонов</i>), Давлат бошқаруви академияси (<i>Р.Қосимов</i>)
5.	Жамғарманинг стипендиялари ғолиблари ҳақидаги маълумотларни вазирликлар ва идоралар кесимида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.	Чора-тадбирлар комплекси	2019 йил март	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Миллий телерадиокомпания (<i>А.Хаджаев</i>), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (<i>А.Кўчимов</i>), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (<i>К.Алламжонов</i>)
6.	“Блокчейн” технологияси бўйича стипендияли дастурларнинг ҳамкор-иштирокчилари билан биргаликда Жамғарманинг инновацион интранетини (локал мулоқот тизими) ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	Чора-тадбирлар комплекси	2019 йил 1 сентябрга қадар	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Содиқов</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А.Комилов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Мажидов</i>), Фанлар академияси (<i>Б.Юлдашев</i>), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>А.Шадманов</i>), Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И.Абдурахмонов</i>)
7.	Хорижда таълим олган мутахассислар тўғрисидаги ахборотлардан очиқ фойдаланишни таъминлаш мақсадида Жамғарманинг стипендияли дастурлари битирувчиларининг электрон реестрини ишлаб чиқиш.	Электрон реестр	2019 йил 1 октябрга қадар	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Содиқов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Мажидов</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А.Комилов</i>)

8.	Электрон ва босма оммавий ахборот воситалари орқали Жамғарманинг мақсад ва вазифалари, Жамғарма ёрдамида хорижда таҳсил олишнинг имкониятлари ҳақида жамоатчилик ва ташкилотларга кенг тушунтиришлар бериш бўйича ишларни ташкил қилиш.	Чора-тадбирлар режаси	2019 йил 1 октябрга қадар	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А.Комилов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Мажидов</i>), Миллий телерадиокомпания (<i>А.Хаджаев</i>), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (<i>К.Алламжонов</i>)
II. Хорижда яшайдиган катта тажриба ва илғор билимга эга бўлган ватандошлар билан доимий мулоқот ўрнатиш				
9.	Етакчи хорижий экспертлар, шу жумладан, хорижда яшайдиган ватандошларни жалб қилиш мақсадида иктисодиёт тармоқлари ва соҳалари кесимида мамлакатимизда катта эҳтиёж сезилаётган мутахассисликлар рўйхатини шакллантириш.	Чора-тадбирлар режаси	2019 йил 1 февралга қадар	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
10.	Хориждаги ватандошларимиз тўғрисида электрон каталог (реестрни) яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан катта илмий ва амалий тажрибага эга бўлган ватандошлар, олимлар, экспертлар, тадбиркорлар, юқори малакали мутахассислар тўғрисида маълумотларни Жамғармага тақдим этиш.	Идоралараро ишчи гуруҳи	2019 йил 1 мартга қадар	Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А.Комилов</i>), Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Содиқов</i>)
11.	Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормаларига, ўзи истиқомат қилинаётган мамлакат қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ хориждаги ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда кўмаклашиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	Ташқи ишлар вазирининг буйруғи	2019 йил 1 майга қадар	Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А.Комилов</i>), Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Ёшлар иттифоқи (<i>К.Қуронбоев</i>), манфаатдор вазирликлар ва идоралар
12.	Хорижда яшайдиган ватандошларга мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказиш, ватандошлар учун яратилаётган шароитлар ва имкониятлар ҳақида уларни хабардор қилиш мақсадида хорижда яшайдиган ватандошлар билан доимий мулоқот қилиш учун виртуал макон яратиш.	Чора-тадбирлар комплекси	2019 йил 1 июнга қадар	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Содиқов</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А.Комилов</i>)


13.	Хорижда яшайдиган ватандошлар билан биргаликда мамлакатни ривожлантириш ва модернизация қилишнинг долзарб мавзулар бўйича, шу жумладан масофадан туриб анжуманлар, семинарлар ва “давра суҳбатлари” ташкил қилиш.	Чора-тадбирлар режаси	Доимий асосда	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А.Комилов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Мажидов</i>), манфаатдор вазирликлар ва идоралар
14.	Ватандошларни, улар таркибидан бой тажриба ва ўзининг фаолияти соҳасида катта муваффақиятларга эришганларни таклиф қилиб, хорижда яшайдиган ватандошларнинг халқаро форумини ўтказиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	2019 йил 15 июнга қадар	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А.Комилов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Мажидов</i>), манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Самарқанд вилояти ҳокимлиги (<i>Э.Турдимов</i>)
15.	Ўзбекистонга хорижий инвестициялар ва экспертларни жалб қилишни жадаллаштириш масалалари муҳокамасига бағишланган ватандошлар, хорижий тадбиркорлар ва эксперт-таҳлилчилар доиралари иштирокида халқаро конференция ўтказиш (Германия).	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	2019 йил 25 октябрга қадар	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А.Комилов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Мажидов</i>), манфаатдор вазирликлар ва идоралар
III. Жамғарманинг стипендияларини олиш учун кадрларни ўқитиш бўйича олий ўқув юртларига кўмаклашиш				
16.	Жамғарманинг стипендияларига номзодларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Идоралараро хужжат	2019 йил 1 мартга қадар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Мажидов</i>), Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Давлат бошқаруви академияси (<i>Р.Қосимов</i>)
17.	Жамғарманинг стипендияларига номзодларни хорижий тилларга (инглиз, немис, француз тиллари ва бошқалар) ўқитиш бўйича махсус дастурлар асосида мақсадли курсларни ташкил этиш.	Чора-тадбирлар комплекси	2019 йил 1 апрелдан бошлаб (доимий асосда)	Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А.Комилов</i>)
18.	Республика ҳудудларидаги етакчи олий таълим муассасалари ҳузурида маълумотларни оммалаштириш, иқтидорли ёшларни излаш ва хорижий тилларга ўқитишга кўмаклашиш марказларини шакллантириш.	Чора-тадбирлар комплекси	2019 йил 15 апрелга қадар	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Мажидов</i>), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>А.Шадманов</i>), Фанлар академияси (<i>Б.Юлдашев</i>), Ёшлар иттифоқи (<i>Қ.Қуронбоев</i>)
19.	Олий таълим муассасаларига хорижий ҳамкорлар билан қўшма таълим ва илмий-тадқиқот лойиҳалари ва дастурларни шакллантиришда кўмаклашиш.	Чора-тадбирлар режаси	Доимий асосда	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Мажидов</i>), Соғлиқни

				саклаш вазирлиги (<i>А.Шадманов</i>), Фанлар академияси (<i>Б.Юлдашев</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А.Комилов</i>)
20.	Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳақида маҳаллий ҳамда хорижий экспертларнинг, шу жумладан ватандошларнинг таҳлилий материаллари акс этган журнал нашр этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил 1 сентябрга қадар	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), “Тараққиёт стратегияси” маркази (<i>А.Бурхонов</i>), Фанлар академияси (<i>Б.Юлдашев</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А.Комилов</i>), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (<i>А.Кўчимов</i>), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (<i>К.Алламжонов</i>), манфаатдор вазирликлар ва идоралар
IV. Жамғарма фаолиятининг самарадорлигини ошириш				
21.	Жамғарма олдида қўйилган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир, назарий ва амалий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан Жамғармани тўлдириш.	Ташкилий чора-тадбирлар комплекси	2019 йил 1 мартга қадар	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>)
22.	Стипендиатлар, ватандошлар ва етакчи халқаро экспертлар иштирокида масофавий видеоконференциялар, интернет-форумлар ва телекўприкларни ўтказиш учун Жамғарманинг видеоконференция алоқаси студиясини ташкил этиш.	Чора-тадбирлар режаси	2019 йил 1 сентябрга қадар	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Содиқов</i>)
23.	Жамғарманинг фаолияти ҳамда унинг дастурлари бўйича хорижда таҳсил олиш имкониятлари ҳақидаги маълумотларни иқтидорли ва истиқболли ёшлар орасида, айниқса республика ҳудудларида кенг тарғиб қилиш чораларини кўриш, шунингдек, уларга саралаш танловларида иштирок этиш учун амалий ёрдам кўрсатиш.	Амалий чора-тадбирлар режаси	2019 йил 1 мартдан бошлаб (доимий асосда)	Жамғарма (<i>А.Бекмуродов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Мажидов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Содиқов</i>), Миллий телерадиокомпания (<i>А.Хаджаев</i>), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (<i>А.Кўчимов</i>), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (<i>К.Алламжонов</i>)

24.	Ватандошлар бўйича, етакчи университетлар, илмий марказлар ва бошқа муҳим маълумотлар юзасидан электрон маълумотлар базалари учун платформа яратиш орқали Жамғарманинг сайтини такомиллаштириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил 1 мартга қадар	Жамғарма (А.Бекмуродов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Содиқов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов)
25.	Жамғарма стипендиясининг бир номзодга чегаравий ўлчами ва уни молиялаштириш тартибини белгилаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Васийлик кенгашининг қарори	2019 йил 1 мартга қадар	Жамғарма (А.Бекмуродов), Молия вазирлиги (А.Хайдаров), манфаатдор вазирликлар ва идоралар

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси дастурларига мувофиқ кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш учун номзодларни танлов асосида саралаб олиш
СХЕМАСИ**





Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 4 январдаги ПҚ-4091-сон қарорига
3-илова

2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиялари ҳисобидан кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш дастурлари бўйича ўқишга юбориладиган кадрларнинг ПРОГНОЗ МИҚДОРИ

№	Жамғарма стипендиялари саралаш танлови йўналишларининг номи	Малака ошириш	Стажировка	Магистратура	Докторантура	Жами
1.	Таълим, жами:	1 450	480	230	340	2 500
	шу жумладан:					
	<i>олий таълим</i>	<i>780</i>	<i>250</i>	<i>160</i>	<i>310</i>	<i>1 500</i>
	<i>ўрта-махсус, касб ҳунар таълим</i>	<i>100</i>	<i>50</i>	<i>10</i>	<i>10</i>	<i>170</i>
	<i>умумий ўрта таълим</i>	<i>370</i>	<i>100</i>	<i>40</i>	<i>10</i>	<i>520</i>
	<i>мактабгача таълим</i>	<i>200</i>	<i>80</i>	<i>20</i>	<i>10</i>	<i>310</i>
2.	Фан ва илмий тадқиқотлар	30	50	10	10	100
3.	Соғлиқни сақлаш	140	100	30	30	300
4.	Давлат бошқаруви	370	245	65	20	700
5.	Иқтисодийнинг истиқболли тармоқлари	150	185	55	10	400
	Жами	2 140	1 060	390	410	4 000

Изоҳ: Васийлик кенгаши жадал ривожланаётган юқори технологияли тармоқлар ва корхоналарнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиялари ҳисобидан кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш дастурлари бўйича ўқишга юбориладиган кадрларнинг прогноз миқдорига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

